Ушбу сонда:

2 ЯШИРИН ЦЕХ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

4 «АВЕСТО» — МАНГУ КИТОБ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 10 март, чоршанба № 39 (1672)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Туман марказий деҳқон бозорида озиқ-овқат, саноат ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиларди. Албатта бундай савдо тури талаб даражасида эмас эди. Шаҳрихонда янги буюмлар бозорининг ташкил этилиши бу муаммони ҳал этди. Бозор замонавий услубда қурилган бўлиб, унда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

Бир гектар майдонни ўз ичига олган ушбу буюм бозори 380 та савдо ўрнига эга.

Ш. ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар

Мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Ижрочи котиби Чжан Дэгуан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

ШҲТ ИЖРОЧИ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Ўтган йилнинг сентябрида Тошкентда ШҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтганди. Унда 2003 йил май ойида ўтган Москва саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий чоратадбирлари муҳокама этилиб, ШҲТни тўла шакллантириш билан боғлиқ ташкилий ишлар якунига етказилди. Айни пайтда Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида бўлиб ўтган мулоқот чоғида ШҲТнинг шу йил июн ойига мўлжалланаётган Тошкент саммитига тайёргарлик жараёни, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш ҳамда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди. Қўшни Афғонистондаги вазият ҳам томонларнинг диққат марказида бўлди.

Суҳбат давомида ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Мамлакатимиз улкан қурилиш майдонларида

СОҲИЛЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Ҳазорасп туманидаги Тойсақа қўрғони яқинида Амударё устига қурилаётган автомобил-темирйўл кўприги қурилиши асосан нихоясига етди. Дарёнинг иккита соҳили минглаб тонна оғирликдаги пўлат излар ва конструкцияларни кўтариб турган 11 та баҳайбат бетон устунлар орқали бир-бири билан туташди. Қурилишга етиб келганимизда тун бўлишга қарамасдан кўприк усти кундузгидек ёруғ, қурувчилар эса бир зум ҳам ишни бўшаштирмасдан меҳнат қилишарди. Ҳазорасп туман ҳокими Б.Раҳимов иш бошида экан:

- Бу ерда кеча-кундуз тўхтовсиз иш давом этмоқда. Икки йил давомида улкан иншоот барпо қилинди. Уни Наврўз байрами арафасида ишга туширмоқчимиз, - деди у. – Кўприк қурилишида пайвандчилар, монтажчилар, йўлсозлар, булдозерчилар, шофёрлар, бетончилар, қўйингки йигирмага яқин турли соҳа ишчилари ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Унинг чап томони илгари худди тоғдек улкан баландликлардан иборат эканлиги кўриниб турибди. 680 метрлик пўлат кўприк устига одам сиғмайди. Кимдир темирйўл изларини гайкалар билан маҳкамламоқда, кимдир пайванд ишлари билан машғул.

Ота-бобомиз қадимдан одамларнинг ташвишини осон, узоғини яқин қилувчи кўприк, йўл қуриш ишларини хайрли, савобли иш ҳисоблаб келганлар. Ҳали яқин-яқинларгача бу ерда Амударёнинг икки соҳилини туташтириш хаёлий орзу эди. Айни пайтда юзлаб қурувчиларнинг қўлни-қўлга бериб қилган фидокорона меҳнатлари туфайли жуда қисқа даврда Амударё устида замонавий кўприк қад ростлади. Унинг қад ростлашида республикамизда анча тажриба орттирган 7-кўприк қуриш трести, «Осиё кўприк» фирмаси ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Улкан иншоотнинг ҳар иккала томонида темир йўл изларидан ташқари, автомобиллар учун, пиёдалар учун мўлжалланган йўл ва йўлаклар бор. Пиёдалар йўлакларига В.Редин, М.Жуманиёзов, М.Валиев, С.Сафоев сингари усталар мармар тошлар тўшаб, унга сайқал бермоқдалар. Туямўйин гидроузели қурилиш бошқармасига қарашли қудратли бульдозер ва эксковаторлари, «Хоразмтранс» уюшмасининг юк автомашиналари бетўхтов турли хил ишларни бажармоқда. Йўлларга ётқизилаётган шағал тошлар Қорағалпоғистон республикасида жойлашган Қоратовдан ташиб келтирилмоқда. Дарё орқали ташиш, шағални бошқа транспорт воситаларига қараганда 30-35 фоиз арзонга тушар экан. Шу боисдан ҳам ҳар бири 300 тонна юк сиғимига эга бўлган иккита биржа Қоратовга тўхтовсиз қатнаб турибди.

Қурувчилар учун Урганч темирйўл станцияси ишчилар таъминоти бўлими томонидан иссиқ овқат тайёрланмоқда. Овқатланиш учун ҳар бир қурувчига кунига 2140 сўмлик маблағ ажратилган. Қурувчиларни ҳордиқ чиқаришлар учун зарурий шароитлар муҳайё.

Шу пайтгача темир йўллар орқали олиб келинаётган юклар қўшни Туркманистон Республикаси орқали ўтиб келар эди. Қўшниларимиз ўз ҳудудининг бир қисмидан ўтиб келаётган поезднинг ҳар бир вагони учун 50 АҚШ доллари миқдорида ҳақ олиб келаётган эдилар. Шу сабабли Хоразм вилоятига етиб келаётган юклар қиммат нархда бўларди. Энди янги кўприк орқали поездлар тўлалигича Ўзбекистон ҳудудидан юради. Ҳамда Тошкентдан Урганчгача темир йўл масофаси 300 километрга, вақти эса 7 соатга қисқаради.

Хуллас, янги кўприк одамларнинг узоғини яқин қилиши, юкларни осон манзилга етказиш ва қанчадан-қанча маблағларни тежаш имконини яратади.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

ҲАЁТ ГУЛИ

Бир танишимни «Меҳрибонлик уйи»га тез-тез келиб кетаётганини кўриб қолганимдан кейин у билан қандай бўлмасин, албатта, учрашишга аҳд қилдим. Чунки нимадандир кўнглим ғаш, ҳавотирда эдим. Ахийри, бир куни уни учратиб, уйга таклиф этдим. Нима, деб сўрайман, томдан тараша тушгандай, бу ерда нима қилиб юрибсан, дейманми? Борди-ю, билар-билмас унинг ярасига туз сепиб қўйсамчи?! Унда нима деган одам бўламан. Йўқ-йўқ, бундай бўлиши асло мумкинмас! Чунки ўғиллари эсли-хушли, ориятли ва ақлли, оиласи билан аҳил ва тотув яшашади!.. У ҳолда, нима бўлиши мумкин? Бирор қариндош-уруғи ё яқинининг боласи шу ердамикан? Ўйлаб-ўйлаб ўйимга етолмайман! Очиғи, бунақа жойларга иши тушмаса, ҳар ким ҳам бош суқавермайди. Бир гап борки, ошнам бу ерга қадамини канда қилмаяпти. Эҳтимол...

Бир зумда менинг барча гумонларим-у эҳтимолларим саробга айланди-қолди. Бор гапни ошнамнинг ўзи ошкора қилди, тўғриғоғи, юрагини очди. Ана шундан кейингина кўнглим жойига тушди.

Ўзингдан қолар гап йўқ, менинг бу хайрли ишим кенг овоза бўлиб кетишини сираям истамайман, – деди оғайним бироз ҳижолат тортган бўлиб. – Очиғи, кўнглимни фақат сенга ёзяпман. Эшитган қулоқ қандоқ ўйларкин? Бир марта оғзим куйиб бўлган! Шундан буён ҳатто қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолганман!...

Йилимизни Юртбошимиз «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиши бизга катта далда бўлди. Важ қидирмай, ҳиммат кўчасига биз ҳам кирсак-кирибмиз-да, бошқалардан қаеримиз кам, дедик. Нега бу фикр илгарироқ ҳаёлимга келмаганига ачиндим ҳам. Ўғилларим жон-жон деб мени қўллаб-қувватлашди.

Молу мулкка ҳирс қўйиб, ҳасислашиб ётишдан ёмони йўқ дунёда!...

«ҲИММАТ КЎНГИЛДАН ЧИҚАДИ»

Ўзбегим болажон, бойиса мурувватга қўл уради. Меҳрга ташна болажонларга бизнинг ҳимматимиз хамир учидан патир, дарёга томчи ҳам бўлмас, лекин машойиҳлар тили билан айтилганда, бир боғ ўтин бўлиб бир ғарибнинг қумғонини қайнатган савобга не етсин?! Биродарим, пашшадан фил ясаб ўтирма сен ҳам.

Бизнинг бу мурувватимиз ном қозониш ёки бирор мақсади кўзлаб қилинаётгани йўқ. Холи-қудратимиз, қурбимиз шунга етибдими, холисонилло, дилдан чиқариб қиляпмиз!

Бошда ана шундай яхши, эзгу ниятлар билан болалар уйига бораётганимизни масжидимиз имомига айтганимда, у киши етимларга қилган карамингиз Худойи таолодан минг бўлиб қайтгай, бола-чақангизнинг, илоҳим роҳатини кўринг, о-омин, дея юзларига фотиҳа тортиб, оқ йўл тилаган эдилар.

Шундан кейин домла масжид қурилишига бир миллион сўм акча берганимни эслатиб, юраги қора анави мунофиқдан асло ҳафа бўлманг, бунақанги ғавғо гапларга бурнинггизни қоқинг-у дилингизни сиёҳ қилманг, ўшанда у сизни мулзам қиламан, деб ўзи мулзам бўлиб қолди, сиз пулни ном чиқараман ёки мақтаниш учун эмас, худо йўлига хайр-эҳсон қилганингизни ҳамма яхши билади, у нобакор буни тушунса-да, ўзини тушунмасликка олди, булар бир чақага ҳам арзимайди, яна бир хайрли, саховатли ишга қўл уриб, доно иш қилибсиз, деб анча кўнглимни кўтариб юбордилар.

Ана шу кўнгилсиз воқеадан кейин бундай саховат-у ҳиммат қилаётганимизни ҳамма ҳам билиши ёки хабар топиши шарт эмас экан, деб ўйлаб қолдим.

Бирдан-бир ниятим, ҳар бир боланинг бағри бутун бўлсин-у юрагидан андуҳ кетса, дейман.

Аслида чуқурроқ ўйлаб қаралса, етим-есирлар-у ота-онасиз болалардан тортиб, ёлғизлар кўнглини обод қилишдан ҳам улуғроқ яна нима ҳам бўлиши мумкин?

«БАХТ-ИҚБОЛ... ҲУҚУҚИГА ЭГАМАН» ТАНЛОВИГА

Ахир хотамтойлик бугун пайдо бўлгани йўқ-ку, азал-азалдан аждоддан-авлодга ўтиб келаётган энг олижаноб қадрият бўлса! Борди-ю, кимки бу одам хотамтойлиги билан шуҳратга эришмоқчи, деб ўйласа чучварани хом санабди. Яна такрор айтаман, ҳиммат фақат одамнинг кўнглидан чиқади. Ўшанда менга тош отган ўша кимса ҳозир яккамаҳов бўлиб, одамларга қўшилолмай юрганига нима ҳам дердим?!

Болажонларга иньом-эҳсонларни чин дилдан чиқариб бераётганимни Оллоҳ таола ҳам кўриб турибди. Бу совға-салом каттами ё кичик, кўпми ё озлигидан қатъи назар, биз учун энг муҳими, гўдаклар севинчини кўриш, бу хурсандчиликни улар билан бирга баҳам кўриш, мурғак қалбларда яхшиликка нисбатан меҳр уйғотиш ва ҳеч қачон улар ёлғиз эмасликларини юрак-юракдан ҳис эттириш ва ҳамиша уларга меҳр-шафқат оғушида эканликларини яна бир карра эслатиб қўйиш!...

Болалар хурсандчилиги – бизнинг хурсандчилигимиз!...

Миннат қилишдан, очиғи, уяламиз, ҳатто қўрқамиз ҳам! Миннатли ошдан беминнат тош яхши, деб бекорга айтишмаган.

Ёдимга бир ривоят тушди: шаҳзода бир болага эшак совға қилиб, ҳар кўрганда ҳадеб миннат қилаверар экан, кунлардан бир куни бола унинг қўлига бир ховуч тиллани берибди-да:

– Шаҳзодам, эшагингизнинг ҳақини олинг, уч пулли эшакни совға қилганингизни миннат қилавериб, қулоқ-миямни едингиз-ку, – деган экан...

Элбурундан ҳамма ёққа жар солиб, болалар уйига мурувват кўрсатаётирман, десам нокамтарлик бўлмасмикан? Савоб талаблик туйғуси фақат соф виждонли кишининг қони-ю жонидагина жўш уради.

> *Фариб, фақир, етимларни қилғил шодмон,*
> *Халқлар қилиб азиз жонинг айла қурбон.*
> *Таом топсанг, жонинг қилғил эҳсон,*
> *Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.*
>
> **Аҳмад Яссавий**

«МЕҲРИМНИ ДАСТУРХОН ҚИЛИБ ЁЗАМАН»

Мард бўлсанг, ўзингдан бошқаларни ҳам эр бил, деган нақл бор...

Қолган умримни бир чеккада, узлатда тоат-ибодатда ўтказсам ҳам бўларди. Мен ҳам бир одам боласи бўлиб, шу ёруғ дунёда яхшилик қилсам-қилибман-да, болажонлар кўнглини олиб қолай, дедим-да! Виждоним шунга ундаб турса нима қилай?! Бундан фарзандларимнинг ҳам боши кўкка етди.

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув кераклигини ҳамма яхши билади!..

Тўғри, болажонлар олдига, эҳтимол, шоҳона дастурхон ёза олмасман, бироқ, қани энди қалбимдаги меҳр-мурувватимни дастурхон қилиб ёза олсам, ўзимни бахтли ҳисоблардим. Меҳрга чанқоқ бу полапонларга жонимизни берсак ҳам оз! Илтифоту марҳаматимиз мурғак қалб кемтигига малҳам бўлса, дейман.

Сермурувватлик халқимизга хос фазилат эканлигини айтдим. Ўнг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин! Қандай ажойиб ҳикмат! Ҳимматга халқимизнинг бағрикенглик тимсоли, деб қараш керак. Бу охир-оқибат миннатга айланиб кетмаслиги лозим, акс ҳолда ҳалиги эшак совға қилган шаҳзоданинг миннатига ўхшаб қолиши ҳеч гапмас! Майли, одамлар айтишсин, қўли очиқ, саҳий ва саховатпеша киши экан деб, унинг ҳақига дуо ҳам қилишсин!..

«КЎЗЛАРИДА СЕВИНЧ ЛОВУЛЛАР»

Бундоқ ўйлаб қарасам, болажонларим қисқа вақт ичида жигаримнинг бир бўлагига айланиб улгуришибди.

Бор гапни айтайми, бола асабга ором, юракка-мадор, танага-қувонч!..

Уларни, нима билан хурсанд қилсам экан, деб ўйлаб бораман. Жонлиқ сўйиб, ош дамлаттирдим, шундан буён, буважон, ҳеч иқлимда йўқ палов бўлибди, деб оғизларидан туширишмайди. Ўзимга ҳам, ўғилларимга ҳам доим дейман: болажонларимнинг хўраги ширин, тотли ва мазали бўлсин!..

Ширинтойларимга қўшилиб, ўзим ҳам қувонаман. Қувонганимдан теримга сиғмай кетаман, чунки ана шу самимийликни интиқ бўлиб кутиб ётган полапонларнинг кўзларида севинч қуёши ловуллаётганини, димоғлари чоғлигини, руҳиятлари кўтарилганини шу соniядаёқ пайқайман. Уларга олам-олам қувонч, шодлик ва табассум улашиш ҳар қандай гавҳару дурдан афзал эмасми?

Ширин лаҳзалар, илиқ табассумлар...

Бундан буён ҳам болажонлар ҳаёт ташвишларидан буткул ҳоли, беандуҳ яшашса, хоҳлашса ўйнаб-кулишса, хоҳлашса елиб-югуришса, болаликнинг энг завқли онларини тўйиб-тўйиб татишса, ўзларига ишонч мутлоқ тарк этмаса!.. Булар бора-бора шундай туйғулар уйғотишсаки, дунёга келганларидан пушаймон бўлишмаса ва бошқаларга кимликларини эслатиб қўйишса, ўз қисматларини бир рўёдек ҳисоблашса, имоним комил, улар ҳеч қачон бебахт, бепаноҳ, бесуянчиқ бўлмагайлар ва бўлмайдилар ҳам, чеҳралари офтобдек чарақлаб туради. Дўппиларини осмонга отиб қувонишга, жамики, имкониятимиз имтиёзлардан тўла фойдаланишга ҳақлари бор, ана шу рўшнолик сираям бошларидан аримасин, дейман.

Кеча-ю кундуз Оллоҳдан сўрайман, болаларни ташлаб кетадиганлар ҳам, уларни йўқлаб келадиганлар ҳам инсоф кўчасига киришсин!

Рост гап, болажонлар яшаётган маскан диққинафасликдан, рутубатдан йироқ, беадад ғаму ғуссадан ҳоли. Кўз қорачиғидек асранмоқдалар. Бу ернинг ҳар бир устуни, ҳар бир ғишти меҳр-мурувватга йўғрилган!..

Ана шуларни бир-бир хаёлимдан ўтказар эканман, болажонларим бошини силаб, бирингиз Фурқатим, яна бирингиз Шуҳратим, деб эркалайман.

Миршароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

(Давоми бор)

2003 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда шартнома интизомига оғишмай амал қилиш ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилди. Фермерларнинг ҳуқуқлари асоссиз камситилаётганлиги, тайёрлов ташкилотлари мажбуриятларини қўпол равишда бузаётганлиги қайд этиб ўтилди. Қуйида ана шундай ҳолатлардан бири ҳақида гап боради.

СУБУТСИЗЛИК

«Шаҳрихондон» масъулияти чекланган жамият контрактация шартномаси мажбуриятларини бажаришда масъулиятсизлик қилмоқда

Ҳамма ердагидек, Шаҳрихон туманида ҳам 2002 йил сентябр ойидан ғалла етиштириш юзасидан 2003 йил ҳосили учун шартнома тузиш қизғин олиб бориларди. Улуғбек Эгамназаров ҳам «Шаҳрихондон» масъулияти чекланган жамият остонасига катта умидлар билан қадам қўйди. Бошқарув ҳайъати раиси Маҳмуджон Содиқов одатдагидек ваъдани қуюқ қилди. Дон ҳақи тўловларида узилиш бўлмаслиги, бўнаклар олдиндан қўлга тегиши, сансалорликка асло йўл қўйилмаслиги, шартнома қонун эканлиги ҳақида узоқ гапириб, мижозни хотиржамлантирди.

Хуллас, «Жўрабек» фермер хўжалиги билан жамият ўртасида 2003 йил ҳосилини қабул қилиб олиш бўйича 3451-рақамли шартнома тайёр бўлди. Шартнома-бу лафз, арслон изидан... дейдилар. Фермерлик номидан У.Эгамназаров давлат буюртмаси сифатида 3,6 тонна дон тайёрлашни ўз бўйнига олди. Жамият тарафидан иш юритаётган М.Содиқов эса қабул қилинган доннинг 1,8 тоннасига амалдаги прейскурант бўйича, қолган 50 фоизига эркин нархларда ҳақ тўлаш юзасидан шартномага имзо чекди. Унинг умумий қиймати 673019 сўм қилиб белгиланди.

Азалдан саховатпеша, бағри кенг халқмиз. Улуғбек иш ҳақини кўз олдига келтираркан, рўзғорига файзу барака ёғилишини, фермерликдан маҳалладошларига келадиган нафни ўйлай бошлади. Янги трактор сотиб олиш, ойлик маошни кўпайтириш, ортиб қолганига мактаб учун қўшимча синфхона қуриш ҳақидаги ёруғ ниятлар билан корхонани тарк этди.

Фермерлик тинимсиз меҳнат демакдир. Қиш чилласида ором йўқ. Буғдой майсалари орасида чилла суви оқмаса, дон «сутқатиқ» бўлганда , зараркунандалар бош кўтариб бошоқларга офат бўлади. Улуғбекнинг қиш изғиринларида елкасига кетмон ташлаб, қош қорайгунча пайкал оралаши шундан. Саратон оташида, манглай терларини артиб, тўқай чивинларига чидаб, ҳосилини ташмачилардан сақлаш учун хирмонбошида уйқусиз тонг оттиришлар ортда қолди.

Улуғбек учун ваъда вафоси ҳар нарсадан улуғ. Тайёрлов корхонасига ўзи аҳд қилган 3,6 тонна ғаллани топшириб, контрактация шартномасини ортиғи билан уддалади. Гектаридан 80 центнерга яқинлаштириб хирмон кўтарди. Айниқса, корхонадан олган хамир учидан патир – 259 минг 477 сўм бўнак пули ерни экишга тайёрлаш, уруғ қадаш, суғориш, иш ҳақи тўловларини амалга оширишда жонига оро кирди.

Аммо фермер минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари харид қилиш, транспорт хизмати кўрсатиш ишларида ҳамкорлардан қарздор бўлиб қолганди. Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин, дейдилар. Йил якунида шериклар қарздорликни қоплаш керак, дея фермерни қистовга ола бошладилар.

Мулкдор бўнакдан ташқари тўланмай қолган 413 минг 542 сўм иш ҳақини ундириш мақсадида корхонага – М.Содиқов ҳузурига йўл олди. Ахир, контрактация шартларида фермернинг ҳуқуқ ва манфаатлари амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан кафолатланган. Оларда кирар жоним, берар чиқар жоним. Улуғбек корхонанинг қарзини эслатиши билан раис хўмрайишга тушди. Ваъда баҳона билан алмашинади. Ҳисоб-рақамида пул маблағи йўқлигини айтади.

Фермер нажот излаб жамият бош ҳисобчиси Исомиддин Жалиловга юзланди. У ҳам бошлиқнинг «ашуласи»ни қайтарди. Ишларга, кўрсатилган хизматларга тўловларни бажарувчи вилоят «Ғаллабанк»идан ҳам шундай жавобни эшитиб фермернинг хуноби ошди. Чунки, контрактация шартноманинг тўловларга амал қилиш муддати аллақачон ўтган, аммо мутасаддилар пинагини бузишмасди.

Яна бир қизиқ ҳолат. Корхона ҳуқуқшуноси С.Суярхонов аҳволга томошабинлик қилишдан нарига ўтмади. Ниҳоят Улуғбек Эгамназаров юқоридаги қонунбузарлик ҳақида туман прокуратурасига шикоят йўллайди. Прокуратура фермернинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоялашга киришди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузиш ва уни бажариш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари қўпол равишда бузилганлиги ойдинлашди.

Масала кўндаланг қўйилади

Кўринаяптики, корхона мутасаддилари учун шартнома «хўжакўрсин»га тузилган шунчаки бир ҳужжат. Уни имзолаш пайтида кўкракка урриб катта ваъдалар берилсаю, ижрога келганда, пайсалга солинса?! Субутсизлик бундан ортиқ бўладими? Прокурорлик аралашувининг самараси катта бўлди. Фермерга тегишли бўлган тўланмаган 413 минг 542 сўм иш ҳақи мулкдор ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди. Улуғбек Эгамназаров тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячиси борлигидан, қонун устуворлигидан боши осмонга етди.

Юқоридаги Низомда, контрактация шартномасининг 4-модда, 7-бандида, шунингдек, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларида шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар мулкий жавобгарликка тортилиши кўрсатилган.

Фарҳоджон ИСМОИЛОВ,
Шаҳрихон туман прокурори ёрдамчиси.
Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» махсус мухбири

Изоҳ: ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, корхона раҳбари Маҳмуджон Содиқов билан учрашдик. Шартнома мажбуриятларига асосан фермер ҳеч қандай оворагарчиликларсиз мушкули осон этилиши мумкин эди-ку, деган саволни бердик. Таажжубки, М.Содиқов «Жўрабек» фермер хўжалигини тумандаги худди шу номдаги тадбиркор билан адаштириб юборганлигини айтиб вазиятдан чиқмоқчи бўлди.

Ана холос...

Ибрат

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

яратиш учун 44,4 миллион сўм сарфланди

Оксоколнинг сўзлари Лобархонни ўйлантириб қўйди: «Тўғри, биров қўчага ахлат ташласа, жимгина ўтиб кетаверамиз. Ахир, кишлоғимиз хуснига доғ-ку, бу. Кимлардир максадсиз дайдиб ўзгаларга тегажоклик киляпти, индамаймиз. Осойишталигимиз бузиляпти-ку. Нега тартиббузарни инсофга чақириб, тўғри йўлга солмаймиз? Яна биров яширин цех очиб, чўнтагини «гуллатяпти», солиқ тўловларини «унутиб», иқтисодиётимизга зиён етказяпти. Ён қўшниси эса ёрдамга, мурувватга зор...»

Лобархоннинг миясида ана шу гаплар айланар экан, ўзига ўзи савол берди: «Маҳаллада ўрта мактабни тамомлаган ўғил-қизлар бекор юрибди. Уларнинг бошини қовуштириб, ишхона очиш тўғрисида ўйлаб кўрдингми? Ахир гулдек ҳунаринг бор-ку?!». Шу тариқа саволлар оромини бузар экан, эртагаёқ ҳокимликка учрашишни ният қилди.

Ҳокимликнинг аралашуви билан Л.Исмоиловага туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, солиқ идораси ёрдамга келди. Шу йўсинда Хўжаобод туманининг Бобур номли маҳалла йиғини ўрамида дўппи цехи очилди. Қишлоқ ёшларидан 5 нафари ишга жойлашди. Тез орада тадбиркорнинг иши юришиб кетди. Ишлаб чиқариш кенгайди. Рўзғор учун элита парда тикиш, тўқув цехлари ишга туширилиб, уйларда бекор ўтирган хотин-қизлардан яна 20 нафарини кичик корхона ўз бағрига олди. Туман меҳнат бўлими томонидан Лобархон Исмоиловонинг шогирдларига маошдан ташқари, стипендия ҳам тўлана бошланди.

Тошота қишлоғилик Элмура Дусанова ҳам уй бекалари, ишсиз ёшларга бош бўлиб, эркак ва аёллар жемфери ишлаб чиқарадиган тўқув цехи очди. Туман меҳнат биржаси хом ашё топиш, ҳаридорларни жалб қилишда кўмакдошлик қилди. Эндиликда 20 нафар ҳамқишлоқлар корхонада қўним топди. Эътиборлиси, тадбиркор тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва ободончилик ишлари ҳамда камхарж оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам ҳиммат кўрсатмоқда.

Умуман олганда, Хўжаободда кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Айниқса, касаначилик юксалмоқда. Қишлоқларда 30 га яқин хусусий цех ишлаб турибди. Ўқимай, ишламай юрган ёшлар, меҳнат бозорида ўз ўрнини тополмаган фуқаролар касаначилик туфайли муқим иш ўринларига эга бўляптилар.

Кўриниб турибдики, ҳокимлик ҳамда меҳнат бўлимининг саъй-ҳаракати хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш негизида ишсизлар қатламини кескин камайтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимлик томонидан яратилиб, изчил амалга оширилаётган дастур меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳимоясини таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Ҳокимлик қарори билан ушбу дастурда ўтган йили 800 та иш ўрни квоталаб қўйилиши бу борада туманда мақсадли иш олиб борилаётганидан далолат. Умуман, ўтган йили 1026 та янги иш ўрни яратилди, бунинг учун 44,4 миллион сўм маблағ сарфланди. 8 маротаба иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилиниб, меҳнат бозорида 50 та корхона ва ташкилот иштирок этди.Иш тўғри ташкил этилганлиги учун ҳам қанча маош тўланади, меҳнат шартномалари қандай тузилади, корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича афзалликлар, қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш тадбирларининг йўлга қўйилиши ҳақидаги биронта ҳам савол жавобсиз қолмади.

Ишсиз фуқароларнинг омади чопди. Дониёр Қашқаров, Бахтиёр Даврановлар Мадиёров номли ширкат хўжалигига ишга жойлашдилар. Тоштемир Искандаровнинг шахсий варақасига малакали ҳайдовчилиги қайд этилганди. Шу билан бирга қўлигул ҳам экан. Шунданми, туман марказий касалхонаси маъмурияти уни «Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчилигига қабул қилди. Мебелсоз ва дурадгор Асқарали Ҳасанов, Баҳодир Аҳмедовлар эса 11-механизациялашган кўчма жамланмага ишчи сифатида рўйхатга олинди. Турли сабаблар билан ишга жойлашолмаганлар ҳам ноумид бўлмадилар. 158 нафар киши касб-ҳунар эгаллаш бўйича қисқа муддатли қайта тайёрлов ўқишларига юборилди. 70 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди.

С.СОБИРЖОНОВ



ТЎРТ СМЕНАЛИ КОРХОНАДА

Иштихон туманидаги «Ал-Носир» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида тўрт сменада 37 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхонада 1 сменада 35-40 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилади. Ишчилар кийим-бош, 2 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ойлик маош 30-35 минг сўмни ташкил этади.

Жамоа раҳбари Ваҳоб Сулаймоновнинг таъкидлашича, бу йил 7 минг тонна чигит қайта ишланади. Дарвоқе, май ойида корхонанинг иккинчи линияси ишга туширилади. Бунинг натижасида 18 та янги иш ўринлари ташкил топади.

Суратларда: илғор ишчилар Султон Холов; Фурқат Холмуродов

Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

Камаши туманидаги ветеринария бўлимида талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, бу ерда мавжуд бўлган чорва молларни юқумли касалликлардан сақлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

ВЕТЕРИНАРЛАР

- Айни пайтда туманда қуйдирги, оқсил, қорасон ва қутуриш касалликларининг олдини олиш учун режалар тузиб, кенг кўламли ишлар олиб боряпмиз, - дейди туман ветеринария бўлими бош врачи Ҳайитмурод Худойбердиев.

Маълумотларга кўра, туман бўйича йирик шохли моллар 44 минг 971 бош бўлиб, шундан аҳоли секторида 39 минг 887 бош қорамол мавжуд. Қўйлар сони эса 101 минг 118 бош бўлиб, 76 минг 644 боши аҳолига тегишлидир.

Ушбу чорва моллари қуйдирги ва бошқа юқумли касалликлар бўйича тўлиқ эмланган. Бунда К.Қуллишев, Б.Эргашев, А.Шовлиев, С. Тошпўлатова каби ветеринарлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишаётир.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» мухбири

НАВРЎЗНИ ҚУТЛАБ

Инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш, деган жумла кенг қамровли маъно ва мазмунни ифода этган бўлиб, халққа хизмат кўрсатувчи барча тармоқ ходимлари зиммасига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият юкламоқда. Хусусан,тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулият жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам ортган. Буни ўз вақтида англаган Наманган шаҳридаги 4-поликлиника жамоаси бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.

– Жамоамиз хизмат кўрсатаётган ҳудудда яшовчи барча аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласига эътибор кучайтирилди, – дейди биз билан суҳбатда ушбу поликлиника мудири Насибахон Ибрагимова. – Амалдаги йил учун олдиндан тузган режамизга бир мунча ўзгартиришлар киритдик. Чунки поликлиникамизга бириктирилган аҳолининг 4312 нафарини ёши 60 дан ошган қариялар ташкил этади. Шу боисдан кекса отахон-онахонлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш, уларни имкон даражасида ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, бу йилги иш режаларимиздан асосий ўрин олмоқда. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда март ойи охиригача уларни ёпласига тиббий кўрикдан ўтказишни ниҳоясига етказамиз. Шифохоналарга ётқизиш, зарурат тақозо этилганлар муолажа олишларини таъминлаймиз.

Ҳудудимизда 84 нафар якка-ёлғиз қария, 38 та кам таъминланган оила бор. Биз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Кексаларга биринчи навбатда бепул дори-дармонлардан кўмак кўрсатилмоқда. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан биргаликда ўтган йили қарияларнинг бир қисми ногиронлар аравачаси, ҳасса, кўзойнак, эшитиш мосламаси, тиш протези, қўлтиқтаёқ билан таъминланди. Бу иш амалдаги йилда ҳам давом эттирилмоқда. 40 нафар қарияга, 2 та кам таъминланган оилага бепул дори-дармонлар етказиб берилмоқда.

Наврўз муносабати билан белгиланган режаларнинг асосий қисми ҳам якка-ёлғиз қариялар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Масалан, улуғ айёмда муҳтож қариялларга кийим-кечак ва дори-дармондан ёрдам кўрсатилади. Поликлиникага бириктирилган 9 та маҳалла аҳолисининг барча қатламлари тиббий кўрикдан ўтказилади. Муолажага муҳтожлар шифохоналарга ётқизилади. Болали оналар ва туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғи алоҳида назоратга олинади.

Ж.ОБИДОВ

Ислоҳот — инсон хизматида

«ЧОРОҒИЛ» ФЕРМЕРЛАРИ

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ қишлоқ хўжалигида бўлаётган ўзгаришлар кишини қувонтирмоқда. Хусусан, «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Президент Фармони фермер хўжаликлари ишини янада ривожлантиришга қўйилган қадам бўлди. Бу борада Қарши туманидаги «Чороғил» фермерлар уюшмасида олиб борилаётган ишлар мақтовга лойиқ.

– Уюшмамиз фермерлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бор имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар, – дейди унинг раҳбари Тошбўри Чўлиев. – Хўжалик уюшмага айлантирилгач, ерга, мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Бу ерда фермерликни ихтиёр этиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор топаётганлар анчагина. Улар маҳсулот етиштиришда пешқадам бўлибгина қолмай, ўзларининг хайрли ишлари билан ҳам кўнгилларга қувонч улашяптилар.

Саид Ниёзов раҳбарлик қилаётган «Ниёз ўғли Саид» фермер хўжалигида 2003 йилда ҳар гектар ердан шартномадагидан анча ортиқ ҳосил етиштирилди. Ғаллачилик ва пахтачиликдан келаётган соф фойда 7 миллион сўмни ташкил этди. «Мейли ўғли Ботир» фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган Чинни Тошқулова эса ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олишга эришди. Пахтачиликдан 2 миллион сўм даромад қилинди. Дилором Турдиқулова, Шуҳрат Фармонов, Шавкат Дўстмуродов раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари ҳам астойдил меҳнат қилиб, каттагина даромад олдилар.

Ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Хусусан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини кўнгилдагидек ташкил этишда кўпгина ишлар қилиш керак.

Уюшмадаги 90 га яқин пахтачиликда, 97 та ғаллачиликда иш олиб бораётган фермерлар шартнома режасини бажардилар. Хўжаликда бурноғи йилдагига қараганда 150 тонна кўп ҳосил етиштирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда қишлоқ хўжалигидан қилинган даромаднинг 37,5 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Шунинг 3,7 миллион сўми ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Тадбиркорлар бу йил 1000 гектар ерга ғалла, 1650 гектар ерга пахта етиштириб, гектарлар ҳосилдорлигини янада ошириш учун зарур тадбирларни амалга оширяптилар.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири

УМРБОД ЭСЛАРИДА ҚОЛАДИ

Жорий йил Пахтаобод туманидаги Қорақўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Раъно хон Эргашева ва унинг икки нафар ногирон ўғиллари учун чинакам эсда қоладиган бўлди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раҳбарлари ва оқсоқоллари ташаббус кўрсатиб, ҳашар усулида мазкур оила аъзоларига янги уй қуриб беришди.

Хўжалик раҳбарлари бу хайрли ишни давом эттиришни ният қилишган. Эндиликда улар оиладаги катта ўғилни уйлантириб, унга алоҳида икки хонали уй қуришни режалаштиришмоқда.

"Туркистон-пресс"

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

ЧУСТЛИКЛАРГА КОМПЬЮТЕР

Яқинда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Чуст туман қўмитасига республика тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси компьютер совға қилди. Бу бежиз эмас. Чунки бир неча йилдирки, у Марказий қўмитанинг водийдаги таянч қўмитаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш, оммавий-маданий, спорт тадбирлари ўтказиш, белгиланган шартнома шартларини сўзсиз бажарилишини таъминлашда қилинаётган ибратли ишлар шубҳасиз ишчан, тадбиркор ва ташаббускор аёл Робинисо Тўйчиева номи билан боғланган. Опа вилоятдаги энг илғор жамоатчи аёлларидан бири сифатида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Кўплаб ибратли тадбирларнинг ташаббускори бўлди.

Касаба уюшмасига тушган оғзаки ёки ёзма мурожаат жавобсиз қолмайди. Ўтган йили кам таъминланган, кўп болали оилалардан 108 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. 18 нафар ўқитувчи-мураббий санаторийларда, 74 нафари санаторий-профилакторийларда дам олдирилди.

Туманда катталар ва ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш муҳим тадбирлардан бирига айланди. Бунинг учун аввало, тумандаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган спорт майдонлари, заллари пухта кўрикдан ўтказилиб, уларни таъмирлаш ва жиҳозлашга оталиқ ташкилотларнинг ёрдами қаратилди. Мусобақа ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланиб борилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Умаржон Осимов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

Турнир давомида ўқувчи, ўқитувчилар тўпланганлар, таълим фидоийсининг ёркин хотирасини яна бир карра эсга олдилар. Шу йил мураббийлар ўртасида волейбол, теннис, шоҳмот-шашка турлари бўйича аввал мактабларда, кейин туман миқёсида мусобақалар бўлиб ўтади. Касаба уюшма қўмитасида «Маънавият» хонаси ташкил этилган бўлиб, режа асосида иш олиб борилмоқда. «Маънавият» хонасида ўтказилаётган учрашув ва бошқа тадбирларда ўз ишини юқори даражада ташкил этаётган касаба уюшмалари фаолияти ўрганилиб, кенг тарғиб қилинаётир. 32-, 2-коллежлар, 2-, 42-, 19-, 13-мактаблар бошланғич касаба уюшмалари фаолияти шулар жумласидандир. Улар ўз ишларини аниқ ва мақсадли режа асосида амалга оширишмоқда.

Қўмита қошида мулоқот кенгаши тузилиб, дастур ишлаб чиқилди. Туманда осойишталикни сақлаш, терроризмга қарши кураш, ўзаро ҳуқуқий муносабатларни қарор топтириш дастурнинг асосий ғояларидир.

Қўмита ўз фаолиятини жонлантиришда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, матбуот ходимларининг амалий ёрдамларига таянмоқда.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ЕТМИШ ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

"Ойимтекстил" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси янги турдаги ип-калава ишлаб чиқара бошлади. Бу дунё бозорида одатдаги ип-калавадан 15-20 фоиз қиммат нархланади.

Қўшма корхонадаги ишлаб чиқариш майдонлари фойдаланишга топширилгандан кейинги дастлабки уч ой ичида тўқсон фоиз лойиҳа қувватига эришди. Бу эса Жалолқудуқ туманидаги Ойим қишлоғида яшовчи 650 кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Ўтган давр мобайнида "Ойимтекстил"да 1186 тонна ип-калава ишлаб чиқарилди. Унинг 821,4 тоннаси ғарбий Европа мамлакатларига эспорт қилинди. Корхона шу йил охирига қадар 3,9 минг тонна ип-калава тайёрлашни режалаштирган. Шундан етмиш фоизи экспорт қилинади.

Қўшма корхона бош директори Толибжон Мадаминовнинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, жорий йилнинг иккинчи чорагида трикотаж ва бўяш-пардозлаш цехлари ишга тушади.Келгусида тикувчилик цехини ҳам барпо этиш мўлжалланмоқда.

"Туркистон-пресс"

Омма билан алоқа мустаҳкамланганда

ЯШИРИН ЦЕХ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Иктисодиётда ҳам, ижтимоий соҳада ҳам ахволнинг яхшиланиб бориши солиқлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши билан боғлиқ. Шунинг учун солиқ ходимларининг саъй-харакати, бутун меҳнати ана шунга каратилган. Бу борада Каттақўрғон туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари амалга ошираётган ишлар диккатга сазовордир.

– Хўжалик юритишдаги хатолар туфайли айрим корхоналар, ташкилотлар қийин молиявий аҳволга тушиб қолади. Оқибатда солиқлар ўз вақтида тўланмайди, – дейди инспекция бошлиғи Анвар Хўжақулов. – Ўтган йили 354 та ташкилотга огоҳлантириш талабномалари берилган. 22 та ташкилотнинг қарзлари хўжалик суди орқали ундириб олинди. Яна бир мисол. Адлия вазирлигида рўйхатга олинган тартибга биноан маблағи бўлмаган солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги қарзларини дебитор қарзлари ҳисобидан, яъни учинчи шахс орқали ундирилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этишини назорат қилиш бўйича бир йил давомида 197 та текшириш ўтказилди. Натижада 154 та корхонада бу борада хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. 463 миллион 228,2 минг сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди. Мансабдорлардан 159 нафари жаримага тортилди. Солиқ объектларини яширганликлари учун «Жалаер» фермер хўжалиги, «Буюк Турон» ва Улуғбек номли ширкат хўжаликлари раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бугунги кунда айниқса савдо ёки хизмат кўрсатишдан тушган нақд пул тушумларини яшириш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Ўтказилган қисқа муддатли назорат тартибидаги текширишларда 17 юридик шахс назорат-касса машиналари ёки квитанциялари қўллаш тартибини бузганлиги аниқланди. Сир очилгандан сўнг эса пушаймон бўлишдан фойда йўқ. Озгина даромадни яшириб, кўпроқ жарима тўлашга мажбур бўлаётганлар энди буни яхши билишади. Жисмоний шахслар томонидан савдога чиқарилиши тақиқланган маҳсулотлар билан савдо қилиниши ҳам қонунбузарликдир. Худди шу сабабли 990,5 минг сўмлик маҳсулот мусодара қилинди. Яширилган 10 миллион 391 минг сўм нақд пул тушуми банк муассасаларига топширтирилди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолди. Бунда хуфёна ишлаб чиқариш ва товар айланишига барҳам бериш жуда муҳим. Шу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида тумандаги 19 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Уларнинг 18 тасига суд орқали чора кўрилди. Каттақўрғон шаҳрида яшовчи фуқаро Муҳиддин Холбоев туманнинг Қорадарё қишлоғида ёғ ишлаб чиқарадиган қўлбола ускуна ўрнатиб, яширин фаолият юргизаётган экан. Текширишда доимий ашё сифатида 560 килограмм масхар ёғи, ускуналар олиб қўйилди. Иш судга оширилди.

«Омонбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Лўблахўр қишлоғида фуқаро Шукур Бердиев Вазирлар Маҳкамасининг 483-қарорига зид равишда ўз уйида хўжалик совуни ишлаб чиқараётгани аниқланди. Сотувга чиқаришга тайёрлаб қўйилган 1200 дона совун мусодара қилинди. Ҳужжатлар чора кўриш учун судга юборилди. Шу даврдаги текширувларда тумандаги 10 та хўжалик юритувчи субъектларда бажарилган иш, кўрсатилган хизмат, сотилган маҳсулот ҳисобидан тушган 19 миллион 318,7 минг сўм нақд пул банкка топширилмагани аниқланди.

Ҳукумат қарорига биноан туманда мавжуд 7 та бозор ихтисослаштирилиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Шу туфайли бюджет тушум режаси бозорлар бўйича 114,5 фоизга бажарилди. Ноқонуний савдоларнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, Пайшанба шаҳарчасида яшовчи фуқаро Замира Шерматова ўз уйида Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 6 минг килограмм унни сотаётганда савдоси тўхтатилди. Мавжуд ун далилий ашё сифатида олинди.

Айни вақтда туман солиқчилари профилактика-тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб боришмоқда. Маҳаллаларда фуқаролар билан суҳбатлар, корхоналарнинг ҳисобчилари ва молия хизмати ходимлари билан ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Суратда: туман ДСИ ходимлари фаолиятидан лавҳа

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Саволларингизга ТДЮИ хўжалик ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Касб касалликлари рўйхатига қандай зарар билан боғлиқ бўлган касалликлар киради.

Г.ФАРМОНОВ,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарорининг 6-иловасида «касб касалликлари рўйхати» кўрсатилган:

1. Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;
2. Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;
3. Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;
4. Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши туфайли келиб чиққан касалликлар;
5. Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;
6. Кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар) дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;
7. Иш жойида концероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда маълум зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари касалликни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўрганиш асосида ҳал қиладилар.

САВОЛ: Қонунга мувофиқ қайси жисмоний шахслар ер солиғидан озод этиладилар.

К.ШОКИРОВ,
Яккабоғ тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар;

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари – хизмат муддатида;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш туткунлари, Чернобил АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Саволингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

САВОЛ: Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолига тўланадиган нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам турларининг тайинланиши ва тўланиши ҳақида батафсил маълумот беришингизни сўраймиз.

С.АЛИМОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка кўра фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолига пуллик моддий ёрдамлар ва бир нечта нафақалар тайинланмоқда. Бундай тўловлар аниқ манзилли бўлганлиги учун фақат ҳақиқатда бундай ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланади.

Фуқаролар йиғини томонидан энг кўп тайинланадиган нафақалардан бири, бу болали оилаларга бериладиган нафақадир. Бундай нафақаларнинг тайинланиши 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармонига асосланиб, уни тўлаш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сонли қарори билан тасдиқланган вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тўғрисида Низомда акс эттирилган.

Ушбу Низомга кўра бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида нафақа тайинланади. Икки нафар болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

Уч болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдорида;

Тўрт ва ундан ортиқ болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан ногирон болалари бўлган, ота-онаси бўлмаган болалар қариндошлар томонидан тарбияланаётган, ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган, шунингдек, ота-онанинг бири ёки ҳар иккаласи ишсиз бўлган ва иш қидирувчи сифатида меҳнат бўлимида ҳисобда турган оилаларга нафақа тайинлашда устунлик берилган.

Мазкур нафақа 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Бу муддат тугагач, оила нафақа тўлашни янги муддатга давом эттиришни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа тайинлашни сўраб ариза берган фуқаролар ўз аризасида мурожаат қилишининг сабабларини, шунингдек оила аъзолари оладиган даромад миқдорини кўрсатишлари керак бўлади:

– оила таркиби ҳақида турар жойидан маълумотнома;

– болаларнинг туғилганлик гувоҳномаларидан кўчирма нусхаси;

–васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга васийлик ўрнатган органнинг қароридан кўчирма нусхаси:

– 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган боланинг ўқиётганлиги ва стипендия олмаётганлиги тўғрисида маълумотномалар тақдим этилади. Ўзини-ўзи бошқариш органининг талаби бўйича аризачи оила аъзоларининг даромади ҳақида маълумотнома тақдим қилиши керак.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун махсус комиссия тузилади ва у ариза бергандан бошлаб икки ҳафта муддат давомида оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини кўздан кечиради ва шу муддат охирида нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида хулоса беради. Нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор фуқароларнинг шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла йиғинларида очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Йиғин қатнашчиларининг кўпчилиги овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Моддий жиҳатдан болаларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий, ахлоқий юксалишини таъминлай оладиган оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинланмайди.

Кейинги ижтимоий ёрдам турига кирадиган оилаларга тайинланадиган ойлик пул тўловларидан бири – моддий ёрдамдир.

Моддий ёрдам тўловлари 1994 йил 23 августдаги 938-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан жорий қилинган бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августида 434-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби алоҳида Низомда кўрсатилган. Ушбу Низомга кўра, объектив, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқароларга (балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси ногирон бўлса ёки боқувчиси меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касалга чалинган шахсларнинг оилалари, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ёрдамга ўта муҳтож оилалар)га ҳар ойлик моддий ёрдам тайинланиши мумкин.

Нафақа 3 ойга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган янги муддатга тайинланиши мумкин.

Моддий ёрдам тайинлашда юқорида кўрсатилган болали оилаларга нафақа тайинлаш тартиби қўлланилади, яъни оиланинг мухтожлик даражасини аниқлайдиган махсус комиссия тузилиб, 2 ҳафта ичида оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ўрганилади. Сўнг комиссия хулосаси фуқаролар йиғини (йиғилиши)га овоза қўйилади. Йиғин иштирокчиларининг кўпчилиги овоз берса, моддий ёрдам тайинланади ва тўланади. Ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисоб варақаларида мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Моддий ёрдамнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 дан 3 баравригача миқдорда белгиланиши керак.

Бюджет ҳисобидан тўланадиган нафақаларнинг яна бир тури – ишламаётган оилаларга фарзанди икки ёшга тўлгунига қадар бола парваришлаш даврида тайинланадиган нафақадир. Бундай нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 14 мартида рўйхатга олинган ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган фарзандларини парваришлаш даври учун нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра амалга оширилади. Ушбу Низомга кўра икки ёшга етмаган бола тарбияси билан машғул бўлган ишламаётган (меҳнат шартномаси асосида) шахс сифатида нафақа олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

а) ишламаётган оналар ёки улар ўрнини босаётган шахслар (боланинг онаси, бувиси, фарзандликка олган шахс, васий ва бошқалар);

б) тўлов – контракт асосида олий, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларининг кундузги бўлимида таълим олаётган ишламаётган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар (бола парвариши билан билан бевосита шуғулланаётган шахслар);

в) якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжалигида аъзо сифатида ишлаётган оналар (уларнинг ўрнини босаётган шахслар).

Нафақа тайинлашни сўраб фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига ариза билан мурожаат қилишлари керак бўлади. Қишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла фуқаролар йиғининг ёки у ваколат берган комиссиянинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори нафақа тайинланиши учун асос бўлади.

Нафақа миқдори болалар сонидан қатъий назар энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизни ташкил қилади ва 12 ой муддатга тайинланади.

Фуқаро муддат тугашига бир ой қолганда маҳалла қўмитасига такроран ариза бериши мумкин. Бунда ариза кўриб чиқилиб, нафақа тайинлаш тўғрисида янгидан қарор қабул қилинади. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– бола туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

– меҳнат дафтарчасининг нусхаси (аввал ишлаган бўлса);

– ариза беришдан олдинги 12 ой давомида оиланинг даромадлари ҳақида маълумотнома;

– боланинг ногиронлиги (агар ногирон бола бўлса) ҳақида тиббий маслаҳат комиссияси (ВКК)нинг хулосасидан нусха:

– никоҳ бекор бўлгани (бекор бўлган бўлса) ҳақида суд қарори;

– боланинг онаси бўлмаганда (бола парваришини амалга ошираётган шахс) боланинг онаси йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Икки ёшга тўлмаган фарзанд парвариши даврида боланинг онасига (унинг ўрнини босувчи бошқа шахсга) нафақа оиланинг даромадлари эътиборга олингани ҳолда тайинланиши мумкин. Яъни моддий жиҳатдан етарли таъминланган оналарга бу нафақа тайинланмаслиги ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда оиланинг даромади даражасидан қатъи назар нафақа тайинланади. Бу қуйидаги ҳолларда:

1) тўлиқ бўлмаган (отаси ёхуд онаси йўқ оилада) оилада болани тарбиялаётган ота ёки онага;

2) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (қайси боласи ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ).

Оиланинг умумий даромади тақсимланганида унинг ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоиздан кам даромад тўғри келадиган ҳолларда оила кам таъминланган деб ҳисобланади.

Ариза аризачининг бевосита иштирокида кўриб чиқилиши шарт.

Ёш оилаларга бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали бериладиган ижтимоий ёрдамнинг яна бир тури бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда рўйхатга олинган. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ёш оилаларга кўрсатиладиган маблағларни ташкил топтириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра амалга оширилади.

Ушбу Низомга кўра ёш оилаларга бир марталик қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам шаклида, фоиз олинмайдиган қарз бериб туриш тарзида ёки бошқа шакларда моддий кўмак берилиши мумкин. Кўрсатиладиган беғараз ёрдам миқдори, бериладиган фоизсиз қарз, ундан фойдаланиш тартиби ва муддатлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади. Бундай ёрдамни олишда келин ёки куёв ногирон бўлса, қариндошлари ва бошқа ёрдам берувчи яқинлари бўлмаса, кам таъминланган оилалардан бўлса, келин ёки куёв фуқаролар йиғини фаолиятида мунтазам иштирок этса, афзалликдан фойдаланадилар. Ёш оила томонидан моддий ёрдам кўрсатишни сўраб берилган ариза фуқаролар йиғини томонидан белгиланган муддатда ва тартибда кўриб чиқилади.

Ва ниҳоят ижтимоий ёрдамнинг охирги тури – бу ёлғиз қарияларга ва ногиронларга етказиладиган ижтимоий ёрдамдир.

Бундай ижтимоий ёрдам Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 23 февралида 900 рақам билан рўйхатга олинган «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби»га кўра амалга оширилади. Ушбу тартибга кўра «қўшимча манзилли ижтимоий ёрдам» Республикада ўрнатилган пенсия ёшига етган (аёллар – 55 ёш, эркаклар – 60) ва ундан юқори ёшда бўлган Ўзбекистон фуқароси, ёшидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногирони – алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада яшаса ва фарзандлари (жумладан боқиб олган фарзанди), ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, ҳомийси бўлмаган қўшимча манзилли ижтимоий ёрдамга мухтож ёлғиз кекса, пенсионер ва ногирон» деб тан олинган шахсларга кўрсатилади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа кекса, пенсионер ва ногиронларга қўшимча ижтимоий ёрдам қуйидаги ҳолларда кўрсатилиши мумкин:

– фуқароларнинг яшаб турган маъмурий ҳудудда (маҳалла, овул, қишлоқ ва бошқа) яшаб, аммо уларга доимий равишда турли хил кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлмаган қариндошлари бўлса;

– уларнинг фарзандлари ёхуд ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатга мажбурий даволанаётган ёки озодликдан махрум қилинган бўлсалар;

– кекса, пенсионер ва ногирон - эр-хотини бўлиб бирга яшаётган бўлса ва қариндошлари бўлмаса;

– ногирон бола билан биргаликда яшаётган бўлса.

Ёлғизларни рўйхатга олиш ва уларга қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

– ёлғиз кекса, пенсионер, ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тавсияси;

– ёлғизнинг яшаш шароити ва моддий ҳолатини ўрганганлик тўғрисида далолатнома;

– ёлғиз фуқаро уйда ижтимоий хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлган ҳолатда унга, унинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ҳақида ТМК ва ТМЭК хулосаси, ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёлғиз фуқаролар рўйхатига олингандан сўнг, қабул қилинган ҳудудий «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш» дастурларига асосан уларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ турларини кўрсатишни ташкиллаштирадилар.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимларга қайси ҳолларда меҳнат дафтарчасининг «Дубликат»и берилади ва уларнинг тартиби қандай?

Меҳнат дафтарчасини юритиш тўғрисида ҳам тушунтириш бериб ўтсангиз.

Г.ҚОДИРОВА,
Тўрткўл тумани

ЖАВОБ: Меҳнат дафтарчасини юритиш тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун Сиз Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ҳамда 1998 йил 7 январда тасдиқланган ва Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 29 январида 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» (бундан кейин «Йўриқнома» деб юритилади) билан яқиндан таниш бўлишингиз ва кундалик иш қуролингиз бўлиши зарур.

Меҳнат дафтарчаси ҳар бир ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир муассасада, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари бўлиши шарт ва беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан, муайян муддатга ишга қабул қилинганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши назарда тутилган, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади. Меҳнат Кодексининг 1- ва 5-моддаларига мувофиқ айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга меҳнат дафтарчаларини юритмаслик ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкаларини топиш ва уларни сотиб олиш муаммо эканлигини иш берувчи ёки ходимлар билан шуғулланувчи мутахассис томонидан баҳона қилиб кўрсатилиши ноўриндир. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан барча муассасаларни меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари билан таъминлаш «Маҳаллий меҳнат органлари» зиммасига юклатилган. Шунинг учун муассасанинг бир ходими бориб «Маҳаллий меҳнат органи»дан меҳнат дафтарчасининг тоза бланкалари учун «Шартнома» олиб келиши ва банк орқали пул ўтказилгандан сўнг меҳнат дафтарчасининг тоза бланкалари олиб келиниши зарур. Ходимга меҳнат дафтарчасининг тоза бланкасини топиб келиш мажбуриятини юклаш қатъиян тақиқланади.

Меҳнат дафтарчалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикаси давлат тилида мутасадди ходим томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат дафтарчасига қуйидаги маълумотлар ёзилади:

ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги;

иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида. Ходимнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаганлик ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлари ҳақидаги ёзувлар ҳам киритилиши шарт. Меҳнат дафтарчасига киритилган ҳар бир ёзув билан мутасадди ходим дафтарча эгасининг Т-2 шаклидаги шахсий варақасини имзолаш йўли билан 3 кун муддат ичида таништириши лозим. Шахсий варақа ва меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар бир хил бўлиши даркор. Меҳнат дафтарчасига интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар ва меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) ёзилмайди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, меҳнат дафтарчаси ходимга фақат у вазифасидан озод қилинганда берилади. Бошқа вақтда, яъни пенсия тайинланишида ёки бошқа иш қидирмоқчи бўлганда меҳнат дафтарчаси унга берилмайди. Фақат ходимнинг илтимосига биноан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма берилиши мумкин. Пенсия тайинлашда барча ҳужжатлар билан бирга меҳнат дафтарчаси ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассис томонидан Ижтимоий таъминот бўлимига топширилиши керак.

Агар меҳнат дафтарчасида иш тўғрисидаги маълумотларга нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар киритилган бўлса, бунга йўл қўйган иш берувчи томонидан ўзгартирилади ва тасдиқланади. Муассаса тугатилган тақдирда, унда хатони унинг ҳуқуқий вориси, вориси бўлмаса, шу тугатилган муассаса бевосита бўйсунган юқори ташкилот тузатади. Гувоҳлар кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш учун асос бўлаолмайди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим ўша куни ишда бўлмаса, иш берувчи ўша ходимнинг ўзида почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисида ходимга огоҳлантириш хати жўнатиши шарт. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 275-моддаси ва «Йўриқнома» талабига мувофиқ иш берувчининг айби билан ходимга меҳнат дафтарчасини бермаган барча кунлари учун унга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади ва ходимга меҳнат дафтарчаси топширилган кун унинг ишдан бўшаган куни ҳисобланади.

Агар ходим ишдан бўшатилгандан сўнг меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у ариза билан меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб беришини сўраб охирги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли.

Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб бериши шарт. Кўрсатилган муддатда ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати берилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқади. Йўриқнома талабларига асосан янги меҳнат дафтарчаларини, дубликатини беришда иш берувчи ходимдан қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олади.

Ўз меҳнат вазифаларини тўлиқ бажармаган ва бунинг оқибатида ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини тўлғазмаган ҳамда уларга меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат дафтарчасини бермаган ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисга «иш берувчи» Меҳнат Кодексининг 181-182-моддалари асосида интизомий жазо чорасини қўллаши мумкин.

Меҳнат дафтарчаларини юритишнинг тўғрилигини доимий назорат қилиш касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифасидир.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: менинг ўғлимга ҳарбий қисмнинг тавсияномаси асосида 10 фоизли имтиёз берилиб, шартнома асосида ўқимоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22-майдаги 277-сонли қарорининг 3-бандига асосан ўғлимга 20 фоизли имтиёзли балл берилиши керак эмасмиди?

А.ТИЛОВҚОБИЛОВ,
Фориш тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг муддатли ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги 1994 йил 3 октябрдаги 496-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларига жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 227-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилишда тест синоварида улар йиғган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 20 фоизини қўшиш имтиёзи берилади. Ушбу имтиёз Мудофаа вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқлаган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасаларига жорий этилади. Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига кундузги ва сиртқи бўлимлар учун 1 августда тақдим этадилар.



САВОЛ: ўқув йили бошида тарификация ўтказилганда менга «маълумоти умумий ўрта» ставкаси қўйилди. Педагоглик техникумини битирган дугоналарим эса ўрта педагоглик маълумотли деган ном билан юкорирок ойлик олиб ишламоқдалар. Тошкент педагогика университетининг сиртқи 3-курсида ўқийман. Менга белгиланган ставка тўғри қўйилганми?

Д.ЮСУПОВА,
Тошкент вилояти Бекобод тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ва алоҳида раҳбар ходимларининг разрядлари ва иш ҳақи ставкалари рўйхати»да ўрта махсус маълумотли мутахассисларга 8-разряд бўйича иш ҳақи тайинланган. Сиз эса университетни битирмагансиз, ўрта махсус маълумотга эга эмассиз. Ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган мутахассисларга 6-разряд бўйича иш ҳақи тайинланган.

Репродуктив саломатлик

Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Шу боис мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар мавкеини ошириш, уларнинг саломатлигини асраб-авайлаш ва ёш авлодни камол топтиришга жиддий аҳамият бериляпти.

ОИЛА ТИББИЙ МАДАНИЯТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Хоразм вилоятида аҳолининг репродуктив соғлиғи кўрсаткичлари республика даражасидан орқада қолаётганлиги қайд қилинган эди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қарор талабларидан келиб чиқиб, оила тиббий маданиятини янада ошириш, хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқдилар.

Хусусан, Меҳр ва мурувват йилида она ва бола саломатлигини яхшилашга қаратилган ибратли ишга қўл урилди. Ҳомийлар ва қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоят туғруқхонасини мукаммал таъмирлаш, техникавий жиҳоз ва ускуналарни янгилаш, янги бинолар бунёд этишга киришилди. Бунёдкорлик юмушларига 350 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилмоқда.

Мажмуа қурилиш дирекциясига 430 миллион сўмдан зиёд маблағ келиб тушди. Унинг қарийб 300 миллион сўми ўзлаштирилди. Жаҳон ЮНЕСКО ташкилоти шифохонани замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш учун 50 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. «Хоразмпахтасаноат», «Хоразмдон», «Агроқурилиш», «Сантехмонтаж», «Электрмонтаж», «Сантехсервиз» акциядорлик жамиятлари ҳар бир ишни тез ва соз бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди, – дейди вилоят «Оила» маркази раҳбари Марямжон Бобожонова. – Оилалардаги тиббий маданият, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳиллик, меҳр-муҳаббат болалар тарбиясига таъсир кўрсатиши, табиий. Энг муҳими, она ва бола саломатлиги ҳамда камол топаётган ёш авлоднинг ўсиб, ўлғайиши учун қулай шароит яратиб беришдир.

Тиббиётнинг моддий базасини мустаҳкамлаш доимий эътиборда турибди. Шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят болалар касалхонаси, 1-клиник шифохона тўлиқ таъмирланиб, замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланди. Таъмирдан чиқарилган туғруқхона биноси фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 6715 ўринли 36 та шифохона, 199 поликлиника, 38 та уйда ташкил қилинган шифохона, 105 қишлоқ врачлик пункти, 41 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 106 фельдшер-акушерлик маскани, 192 дорихона, 13 санитария-эпидемиологик муассаса хизмат кўрсатмоқда.

Ҳукумат қарори талабларига асосан турмуш қўраётган ёшларни никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш учун фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш бўлимлари ҳузурида ўқув курслари ишлаб турибди. Қишлоқ ва маҳаллаларда «Ўсиб улғаяётган авлодни тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабнинг ўрни», «Гиёҳвандлик – XXI вабоси», «Она сутининг аҳамияти», «Йод тақчиллиги муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги турмуш қуришнинг зарарли оқибатлари» каби мавзуларда ўтказилган суҳбатлар хотин-қизлар ва ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

«Она ва бола скрининги» дастури бўйича чақалоқлар ва ҳомиладор аёллардаги туғма, авлоддан авлодга ўтувчи касалликларни эрта аниқлаш йўлга қўйилди. Янги туғилган чақалоқларни эмлаш ишлари режа асосида олиб борилаяпти. 64 миллион 618 минг сўмлик ҳар хил дори вакциналари ва дори-дармонлар олиниб, болалар юқумли касалликларига қарши эмланди.

ЮНИСЕФ ташкилотининг «Биргаликда камқонликка қарши» дастури асосида болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларга 4500 қути зарур дори-дармонлар етказиб берилди. Шифо масканларига тиббий асбоб-ускуналар тарқатилди.

Қизлар ва ўсмирлар репродуктив саломатлиги маркази зарур асбоблар, ўқув методик қўлланмалари билан жиҳозланган. БМТнинг «Аҳолишунослик» жамғармаси ёрдамида Урганч шаҳридаги репродуктив саломатлик марказига УЗИ аппарати, компьютер, видеотехника, ксерокс, проектор ва бошқа жиҳозлар келтирилди.

Вилоят ва шаҳар туғруқхоналари қошидаги репродуктив саломатлик марказларида тиббий маданиятни кўтариш, соғлом турмуш тарзи ва соғлом оилани шакллантириш, қиз бола организми физиологияси ва гигиенаси, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш каби мавзуларда семинар машғулотлари ўтказилаяпти.

Шунга қарамай вилоятнинг Питнак шаҳри, Боғот, Янгибозор, Хонқа туманларида аҳолининг репродуктив саломатлиги кўрсаткичларининг таҳлили кўрилаётган чора-тадбирлар ҳали етарли эмаслигини кўрсатиб турибди. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 99 фоизи кўрикдан ўтказилганда, кўпчилигида экстрагенитал, жумладан камқонлик, эндокрин, буйрак, юрак-қон, ҳазм тизими касалликлари мавжудлиги аниқланди. 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида витамин етишмаслиги, йод танқислиги каби касалликлар бор. Қишлоқ жойларидаги тиббиёт масканларида педиатрлар етишмайди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, умумтаълим мактабларида «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзусидаги факультатив курсларнинг ўқитилиши юқори савияда эмас.

Оила тиббий маданиятини мустаҳкамлаш муҳим вазифа. Зеро, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш минтақада ижтимоий-демократик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Таҳлил

Жиззах вилоятида футболни ривожлантириш бўйича талайгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 457 та ўйингох, 152 та мини футболга мослаштирилган майдон, шунингдек, 6 та халқаро талаблар даражасидаги стадион мавжуд бўлиб, уларда 17 минг 944 киши шуғулланмоқда.

ЖИЗЗАХ ФУТБОЛИ

бирида яхши, бирида акси

Маълумки, 2003 йилда ўтказилган Ўзбекистон XII миллий чемпионатида «Суғдиёна» футбол жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, олий лигага йўлланма олди. Ғаллаорол туманининг «Ғаллакор» жамоаси эса биринчи лигага чиқиш учун ўтказилган саралаш ўйинларида ғалаба қозонди. Шу муносабат билан вилоят ҳокими «Суғдиёна» ва «Ғаллакор» футбол жамоаларининг Ўзбекистон Республикаси XII миллий чемпионатида муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра вилоятда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, республика чемпионатига йўлланма олган иккала жамоаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

«Жиззахгаз» ҳудудий газтаъминот корхонаси, вилоят «Пахтасаноат» ҳиссадорлик бирлашмаси, Жиззах нефт базаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси, «Жиззахпластмасса» ҳиссадорлик жамияти ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар «Суғдиёна» футбол клубига ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқдилар.

Вилоятда футболни янада ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджетдан 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби қошида болалар спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилаяпти. Шунингдек, Жиззах шаҳрида 8 минг кишилик футбол ўйингоҳи бунёд этилмоқда. Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Фориш, Бахмал туманларида янги футбол ўйингоҳлари ташкил этиш, мавжуд ўйингоҳларни таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Улар базасида спорт мажмуалари барпо этилди.

Маълумки, республикамизда 6 та аёллар футбол жамоалари ташкил этилган. Шулардан бири Жиззахнинг «Хумо» аёллар футбол жамоасидир. Унда 18 нафар аёл тўп сурмоқда. Жамоа бош мураббийи Шуҳрат Мавлоновнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили жамоа республика чемпионатида қатнашиш бахтига мушарраф бўлди.

– Вилоятда футболни ривожлантиришда ҳомийлар кўмаги катта бўлаётир, – дейди вилоят футбол федерацияси масъул котиби Эркин Сатторов. – «Хумо» аёллар футбол жамоаси «Жиззахоҳак» заводи, вилоят Давлат солиқ инспекцияси томонидан оталиққа олинган. Уларнинг ёрдами жуда катта. Футбол тўплари ва бошқа жиҳозлар, кийимкечаклар олиб беришяпти. Жамоанинг учрашувларга бориб-келишлари учун автоуловлар ажратилмоқда. Вилоятда мини футболга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида мини футбол ўйингоҳлари ташкил этиляпти.

Афсуски, вилоятнинг Арнасой ва Жиззах туманларида «миллионлар ўйини»га эътибор жуда суст. Ўйингоҳлари қаровсиз аҳволда. Жамоалар тарқаб кетган. Бир неча йиллардан бери ушбу туманлар вилоят футбол мусобақаларида иштироки таъминланяпти. Ваҳоланки, туман ҳокимлари футбол федерацияси раислари ҳисобланишади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

«Авесто» – мангу китоб

ЯРАТУВЧАНЛИК МАДҲИ

«Авесто»ни том маънода меҳнат ва яратувчилик мадҳи ҳақидаги, унинг одамлар ва жамият ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини очиб берувчи тенги йўқ асар дейиш мумкин. Унда ёзилишича, тинч ва осойишта меҳнат, яратувчилик фаолияти, табиатга, унинг неъматларига меҳрли бўлиш, тежамкорлик инсон танасидаги барча иллатларни, нопокликларни қувади, унга ҳақиқий роҳатбахшлик ва осойишталик, шодлик ва фаровонлик олиб келади. Жамиятда, ҳар бир хонадонда, шахсий ҳаётда тинчлик, адолат, барқарорлик фақат меҳнат (яратувчилик) туфайли қарор топади.

Ҳақиқатда ҳам тинч ва ҳалол меҳнат билан банд бўлган одам ҳар қандай бузғунчилик ва беқарорликдан нари юради, у ўз меҳнати маҳсулини олишни кўзлайди, ўз меҳнати натижалари орқасидан фаровон яшашни орзу қилади. «Авесто»даги бундай эзгу ғоялар бизнинг цивилизациялашган давримиз учун ҳам бегона эмас. Зеро, у бошдан-оёқ инсон руҳини яратувчанликка - меҳнатга тайёрлашга қаратилганлиги учун, яъни инсон руҳи ва моҳиятига айнан меҳнат монандлигини асослаш билан минг йиллар давомида одамлар қалбини забт этиб келди ва ҳамон ана шундай эзгуликни тарғиб этиб келаётир.

Одам умри жуда қисқа. Ана шу қисқа муддатда у яхшилик ва эзгулик қилишга улгуриши ва бу билан ҳар икки дунё саодатини топиши лозим. Эзгулик ва яхшилик қилиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий неъматлар барпо этиши даркор. Асарда меҳнат қилмайдиган одам қораланиб, бундай одамнинг уйида олов доимо ёнмайди, ҳайвонлар ем-ҳашакка тўймайди, уйида ноз-неъматлар етишмайди, хотин ва фарзандлари фаровон яшамайди, уйида хотиржамлик ва барқарорлик бўлмайди, деб кўрсатилади. Китобда меҳнат қилмайдиган, дангаса одамга нисбатан шундай хитоб қилинади:

«...Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан. Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!»

«Авесто»да қайд этилишича, меҳнатни севмайдиган, меҳнат қилмайдиган одамда, унинг хонадонида еб-ичиш учун озиқ-овқатлар бўлмайди. Демак, бундай одам Аллоҳга тоатибодат қилишга ҳам кучи-мадори бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини ҳам уддалай олмайди, соғлом фарзандлар бундай оилада туғилмайди. Меҳнаткаш одам оиласида эса унинг тўқ ва фаровонлиги боис ахлоқ-одоб, инсоф-иймон ҳукм суради, илоҳий сўзлар янграйди, оила бақувват ва барҳаёт бўлади.

Маълумки, меҳнат ва унинг самарадорлиги одамларнинг биргаликдаги баҳамжиҳат фаолияти билан боғликдир. «Авесто» асарининг муҳим, бебаҳо ғояларидан бири ҳам айнан одамларни бирликка, яхлитликка, якдилликка, баҳамжиҳатликка, ҳалолликка, жамоа бўлиб яшашга даъват этишидир. Унда индивидуализм, айримлик, худбинлик, яккалик қаттиқ қораланади. Хўш, бундай улуғвор умуминсоний ғоянинг объектив замини нимада? Бизнингча, биринчидан, Қадимги дунё шароитида меҳнат қуролларининг ғоят оддийлиги (примитивлик), бунинг устига уларнинг камлиги (етишмаслиги), яъни ҳар бир ишловчига етарли даражада эмаслиги одамларни биргалашиб ишлашга, жамоа бўлиб, унинг ҳамма аъзолари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишни тақозо этган, уларнинг табиат кучлари олдида ожизлигидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, фақат жамоа асосида биргалашиб ҳаракат қилинган тақдирдагина меҳнат унумдорлиги юқори бўлган, одамлар меҳнат тарбияси ва кўникмаларини олишган, тажриба тўплаган ва алмашишган. Гап шундаки, зардуштийлик дини меҳнатнинг ижтимоийлигини илоҳийлаштириш асосида инсон салоҳияти ҳам, хусусан унинг меҳнат яратувчилигини ҳам илоҳийлаштирган. Шундай маънодаги инсон фаолияти уни илоҳий кучга (Аҳура Маздага) яқинлаштирган.

Маълумки, Ислом динида меҳнат бундан-да улуғланади, у ибодат даражасига айлантирилган, ҳалол меҳнат инсоннинг ҳар икки дунёсини ёритади, жаннат остонасига етаклайди. «Авесто»даги меҳнат мадҳи деҳқончилик меҳнати тимсолида қуйланади. Бунинг сабаби қадимги дунёда деҳқончилик моддий ишлаб чиқаришнинг асоси, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг бош манбаи эканлиги билан ҳам изоҳланади, албатта. Бироқ айни чоғда, инсоннинг деҳқончилик соҳасидаги ўз ҳалол меҳнати яратувчиликнинг илк босқичи – дастлабкисидир. Зеро, деҳқончилик меҳнати ерга уруғ қадашдан бошланиб, бу уруғнинг ердан – энг улуғ неъматдан униб чиқиши билан давом этади. Дарҳақиқат, деҳқончилик меҳнати ҳалоллик, поклик рамзи, яхшилик белгисидир. Шу маънода китобда қуйидаги ажойиб маърифий ғоя илгари сурилади: дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Яратганга ихлосмандлик эътиқодини илгари суради, ўзи яратган неъматлар билан иймонни озиқлантириб туради, бундай одамдан фақат эзгулик келади.

«Авесто»да яхшилик идеали деҳқон ва унинг ҳалол меҳнати тимсолида баён этилиши бежиз эмас. Бунда илоҳийлик бор, жаннатга дахлдорлик яширинган; асарда яратувчилик билан шуғулланувчилар қуйланади, айни чоғда, унда барча ноз-неъматларни, Аллоҳ яратган табиатни муқаддас билиш илоҳий қонун сифатида собитқадамлик билан уқтирилиб борилади. Асарда таъкидланишича, кимки шу ҳаётий дунёда ҳалол ва пок меҳнат фаолияти билан шуғулланса, Ахура Мазда даргоҳида бўлади, унинг назарини топади. Ҳақиқатан ҳам деҳқончилик, у билан шуғулланган кишилар улуғдир, улар жамиятда жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўладилар, чунки улар бутун тирик мавжудотни едириб-кийинтиришади. Бу ҳақда буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида, даҳо шоиримиз Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» номли китобида деҳқонларга алоҳида боблар бағишлаганликларини айтиб ўтиш ўринлидир.

«Авесто» асарини меҳнат тақсимоти нуқтаи назаридан ўрганиш шуни тасдиқлайдики, бизнинг аждодларимиз бундан 3000 йиллар илгари ҳам ибтидоий, яъни табиий меҳнат тақсимоти даражасидан аллақачон чиқиб кетишган, улар ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида иқтисодиётни ташкил этиш ва олиб боришга ўтишган.

Меҳнат тақсимоти дастлаб йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ривожланиб борган, яъни аҳоли чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо ишлари, ип йигириш, тўқимачилик ва тикувчилик, овчилик каби меҳнат турлари билан шуғулланиши мослашган.

Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қабилаларда қизларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлаш, ҳар хил матолар тўқиш, либослар тикиш каби ҳунарлар ўргатилган бўлса, ўғил болаларга мол боқиш, чорвани йиртқич ҳайвонлардан ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ҳарбий ҳунарларни ўрганиш асосида аҳоли тинчлигини муҳофаза қилиш юклатилган.

«Авесто»даги маълумотларга кўра, балоғат ёшига етган ўсмирлар алоҳида имтиҳон қилиниб, ундан муваффақиятли ўтганларга рўзғор юритиш, оила қуриш, оила бошлиғи ёки уй бекаси бўлишлик ҳуқуқи берилган. Йигитлар ичидан энг иқтидорлилари ажратиб олиниб, ҳарбий машқларга сафарбар қилинган. Айни чоғда аҳоли фаолиятини бошқариб туриш учун махсус кишилар тайинланган. Бундай меҳнат тақсимоти иқтисодиётнинг ривож топиб боришига, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик ҳукм суришига олиб келган.

Ўша даврнинг ижтимоий меҳнат турлари ичида деҳқончилик, хусусан дон экиш ва ғалла етиштириш энг афзал ҳисобланган. Асарда «олам гўзаллиги деҳқончиликдан» деган умумбашарий ғоя илгари сурилган бўлиб, «кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтирибди, ягона шу йўлгина ҳақиқатдир, қолганлари савобдир» дейилади.

Зардуштийлик динида ерларга ишлов бериш, экин экиладиган майдонларни кенгайтириш, ерни асраб-авайлаш, уни муқаддас деб билиш, унга сажда қилиш илоҳий қонун деб баҳоланади. Дарҳақиқат, бу динда у дунё ҳаловатига, Ахура Мазда розилигига эришмоқ учун бу дунё ишларини сидқидилдан бажариш, фаровон ҳаёт учун интилиб яшаш зарурлиги таъкидланади. Бундай иноятга эришадиган инсон ерни улуғлаши, уй-жой қуриши, уни олов билан таъминлаши, уй ҳайвонлари боқиши, мева-чева етиштириши, хонадонини емоқ-ичмоқ неъматлари билан мўл-кўл қилиши, уйланиши, бола-чақали бўлиши лозим.

Ана шундай инобатлар бор қиладиган макон борми, деб сўралади Ахура Маздадан. У хитоб қилиб айтадики: «Бундай жой Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мубад рўзғор тебратилади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурўвлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Тевалар хўраги фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуруллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади...»

«Авесто»даги ана шу ғоялар асрлар оша бизнинг ўзбек заминимизда тўлақонли сақланиб қолган. Зеро, ўзбек халқи доимо ўз ерини бўш қўймасликка, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишга, ўз ризқини ердан ундириб олишга сидқидилдан ўрганган миллатдир. Буни бугун бутун дунё ҳамжамияти эътироф этаётгани бежиз эмас.

Қодиржон ЙЎЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор
Қиёмиддин МУФТАЙДИНОВ,
иқтисод фанлари номзоди
доцент

«Ўзбек Магеллан» деган ном билан яхши танилган атоқли олим Ҳамидулла Ҳасанов география илмининг чинакам йирик тарғиботчиси эди. Ўзбекистон Миллий университетида илмий-педагогик фаолияти кечган бу фан арбоби жўшкин меҳнат фаолиятини мактабда география ўқитувчилигидан бошланганди.

ЙИРИК ИЛМ СОҲИБИ

Олим талайгина монография, дарслик ва қўлланмалар муаллифи. Ўзбекистонда энг катта «Ернинг модели» ҳисобланган рельефли, ландшафтли глобусни яратишда профессорнинг хизмати катта. «Сайёҳ олимлар», «Ўрта осиёлик географ ва сайёҳлар», «Ер тили» каби тўпламлари бирин-кетин босилиб чиқди. Ўрта Осиёда алломалари илмий меросини тадқиқ қилиш жараёнида қатор бир неча йирик асарлар чоп этилди.

Ана шу илм фан фидойиси таваллуд топганига 85 йил тўлиши санаси республикамизда кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий университетида уюштирилган илмий анжуман ҳам шу санага бағишланди.

НОАНЪАНАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИ

«Меҳр ва мурувват йили» республика дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда «Оилавий болалар уйлари»ни ташкил этишга киришилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган бундай тарбия масканлари орқали ёшларни соғломлаштириш, ақлий ва руҳий ривожлантириш, ижтимоий меҳнатга мослаштириш, комил инсон қилиб вояга етказиш кабилардан иборат саъй-ҳаракатларни амалга оширилади.

Бундай ғамхўрликлар болаларнинг дунёвий билимлар асосларини ўзлаштириш, уларда шахсий қобилиятларни ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш учун ҳам имкониятлар яратиб беради.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу ибратли ҳаракатни кенг йўлга қўйиш мақсадида «Оилавий болалар уйи тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқди. Унда бундай тарбия масканларининг ҳуқуқ ва бурчлари, молиявий-хўжалик фаолияти ва моддий таъминоти масалалари ҳам ўз ифодасини топди.

А.АЛИЕВ

ҲАММАНИНГ ҲАВАСИ КЕЛДИ

Байрам арафасида шаҳар марказидаги «Бухоропалас» меҳмонхонасининг муҳташам залида вилоят тармоқ қўмитаси ҳамда Бухоро шаҳри бўйича вакиллик идорасининг ташкилотчилигида бўлиб ўтган «Қизлар давраси» барчада илиқ таассурот қолдирди. Унда шаҳардаги ўқув-тарбия муассасаларида ишлаётган иқтидорли хотин-қизлар ўз салоҳиятларини намоён этдилар. Танлов иштирокчилари тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Ғолиблик шоҳсупасидан жой олиш Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-болалар ижодиёти марказининг тўғарак раҳбари Нигорахон Ҳамроевага насиб этди. 22-мактаб ўқитувчиси Наргиза Жумаева, 27-мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллимаси Феруза Раҳмоноваларга кейинги ўринлар насиб этди.

Ғолибларга вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, Бухоро шаҳар ХТБ ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан таъсис этилган совға-саломлар топширилди.

Усмон СОЛИҲ ўғли,
«Ишонч» мухбири

ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Уч йил аввал Навбаҳор туманида Улоқ федерацияси ташкил этилганди. Бу бежиз эмасди, албатта. Чунки, туман моҳир улоқчилари билан машҳур. Ҳозиргача юзга яқин чавандоз федерацияга аъзо бўлди. Улар орасида Нурота, Хатирчи, Кармана, Қизилтепа, Конимех туманларида яшовчи полвонлар ҳам анчагина.

Бекмурод бахши Жўрабой ўғли хотирасига бағишлаб туман отчопарида ўтказилган кўпкарида чавандозлар яна бир бор ўз маҳоратини намойиш этди.

Муросасиз кечган беллашувларда навбаҳорликларнинг қўли баланд келди. Нурота ва Хатирчи тумани вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

В соответствии с решением Министерства Юстиции Республики Узбекистан №907 от 19.11.03г. СП «DURAN PETROLEUM» является правопреемником СП «НЕЙРОН»

Адрес: г.Ташкент, ул. Янги-Сергели 3а, тел.57-30-53

Администрация

Республикамиз пойтахтида яна бир кўркам меҳмонхона биноси қад кўтарди. «Отел экспо» деб номланган бу янги меҳмонхона 300га яқин мижозга мўлжалланган бўлиб, барча қулайликларга эга. Болгариялик мутахассислар лойиҳаси асосида қурилган меҳмонхона хоналари энг кўркам дизайн безакларидан сайқал топди. Ундаги мебеллар ҳам Болгариядан олиб келинди.

«ОТЕЛ ЭКСПО» МЕҲМОНХОНАСИ

«Отел экспо» меҳмонхонаси «Ўзэкспомарказ»нинг сўлим гўшасида меҳмонларга ўз эшикларини очди. Янги меҳмонхона болгар-ўзбек савдо-иқтисодиёт муносабатлари ҳамкорлигининг рамзига айланиб қолди.

А.АКБАРОВ

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 417 1 2 3 4 5 6